

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЛИБОВ МАНСУР МАХМУДОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ БРОНХИТ МУХИТИДАГИ АТОПИК  
ДЕРМАТИТЛИ БОЛАЛАРДА FLG ГЕН ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ  
КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология  
14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**  
**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Medical Sciences**

**Толибов Мансур Махмудович**

Сурункали обструктив бронхит мухитидаги атопик дерматитли  
болаларда FLG ген полиморфизмининг клиник ва морфологик  
хусусиятлари..... 3

**Толибов Мансур Махмудович**

Клинико-морфологическая характеристика полиморфизма гена FLG у  
детей с атопическим дерматитом на фоне хронического обструктивного  
бронхита..... 21

**Talibov Mansur Makhmudovich**

Clinical and morphological characteristics of flg gene polymorphism in  
children with atopic dermatitis in the setting of chronic obstructive  
bronchitis..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 43

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЛИБОВ МАНСУР МАХМУДОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ БРОНХИТ МУХИТИДАГИ АТОПИК  
ДЕРМАТИТЛИ БОЛАЛАРДА FLG ГЕН ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ  
КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология  
14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4448 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Хамидова Фарида Муиновна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Нарзиқулов Рустам Мардонович**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хасанова Дилноза Ахроровна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Азизов Баҳадир Садыкович**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ҳожа Аҳмад Яссавий номидаги қозок-турк  
халқаро университети  
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 30 октябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+998-95) 911-00-50. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил 18 октябр куни тарқатилган.

(2025 йил 18 октябрдаги 56-рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Ж. Тешаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.К. Дустова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.Р. Облокулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси (PhD))

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда тахминан, атопик дерматит билан касалланган болалар сони 20%ни, катта ёшли одамларлар 10%ни ташкил қилади, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайишига олиб келади<sup>1</sup>. Аҳолиси орасида атопик дерматит касаллиги одатда эрта болалик даврида бошланади, клиник кўриниши полиморфли тошмалар билан кечади ҳамда турли патоморфологик ўзгаришлар, шунингдек, беморларнинг бутун ҳаёти давомида бошқа атопик патологияга айланиш тенденцияси билан тавсифланади. Замонавий тадқиқотларга кўра, касаллик ривожланишида атроф-муҳит омилларининг бузилиши, одамлар турмуш тарзининг пасайиши, ёмон одатлар, сурункали аллергия касалликлари, айниқса, атопия ҳамда нафас йўллари касалланишининг биринчи сабабчилардан бири деб башорат қилмоқдалар. Бу қаторда сурункали обструктив бронхит ҳам бундан ҳолис эмас. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун касалликнинг ҳали топилмаган қирраларини излаб топиб, патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги диагностик, прогностик, профилактик ва даво усуллари ишлаб чиқиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Жаҳонда ҳозирги пайтда атопик дерматит билан 280 миллионга яқин одамлар касалланган, ушбу касалликлари турли клиник субтиплари ва эндотипларида намоён бўлади. Бугунги кунга қадар атопия ривожланишида 40 дан ортиқ генларнинг иштироки исботланган, шу қаторида филаггрин гени ҳам касаллик ривожланишида асосий урин тутати. Замонавий тадқиқотлар атопик дерматитнинг генетик, эпигенетик, иммун ва микробиомик табиатли касаллик деб таъкидлайдилар. FLG генидаги мутациялар тўсиқ функциясининг бузилишига олиб келади, бу сезувчанлик хавфни ва “Атопик марш” – экзема, аллергия ринит ва нафас аъзоларининг сурункали касалликларининг кетма-кет пайдо бўлишини оширади, шу жумладан сурункали обструктив бронхит ва бронхиал астма ҳам шулар қаторига кирилади. Атроф-муҳит омиллари (ифлосланиш, парҳез ва микробиоциноз) FLG метилланишига таъсир қилади, бу касалликнинг ўзгарувчанлигини тушунтириши мумкин<sup>2</sup>. Шу гипотезаларни ҳисобга олган ҳолда ушбу касаллик механизмларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, индивидуал даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади. Ушбу муаммоларни аниқлаш юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш фундаментал ва клиник тиббиётнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликларнинг олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси янги босқичга кўтарилди. «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш

<sup>1</sup>Nakahara T, Kido-Nakahara M, Tsuji G, Furue M. Basics and recent advances in the pathophysiology of atopic dermatitis. J Dermatol. 2021. Feb; 48 (2):130-139.

<sup>2</sup> Martin MJ, Estravís M, García-Sánchez A, Dávila I, Isidoro-García M, Sanz C. Genetics and Epigenetics of Atopic Dermatitis: An Updated Systematic Review. Genes (Basel). 2020. Apr 18; 11(4):442.

сифатини яхшилаш....»<sup>3</sup> каби вазифалар ҳал қилинмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сурункали обструктив бронхит билан ҳамроҳ бўлган атопик дерматитда юзага келадиган морфологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлари асосида филаггрин гени полиморфизмини ўзгаришларини аниқлаб, уларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** FLGни кодловчи ген жуда полиморфдир. Ҳозирги кунда унинг 15 та мутацияси маълум, улардан 4 таси (R501X, 2282del4, R2447X ва S3247X) оқ танли Европа популяцияларида турли частоталар билан устунлик қилади (Brown S.J., McLean W.H. 2012). FLG генининг гомозиготли ёки мураккаб гетерозиготали мутациялари бўлган беморлар кератинизация бузилиши билан боғлиқ бўлган ихтиоз касаллигидан азият чекади ва атопик дерматит ривожланишига мойил бўлади. Ушбу касалликларда FLG ген ифодасининг пасайиши кузатилади. FLG ген мутациялари этник гуруҳлар орасида фарқ қилади. Японияда 4 та мутация аниқланган бўлиб, Ser2554X, 3321del, Ser2889X ва Ser3296X, улар атопик дерматит билан касалланган японияликларнинг 24%дан кўпроғида учрайди (Самцов А.В., Соколовский Э. В. 2015). Европада соғлом одамларда R501X мутацияларининг частотаси 0,8%, атопик дерматит билан оғриган беморларда - 3,0%; Жанубий Европа (Италия) ва Осиёда, шунингдек, Африкаликларда ҳам бундай мутация аниқланмаган (Heimall J. 2012). Бугунги кунга қадар атопия ривожланишида 40 дан ортиқ генларнинг иштироки исботланган (Балаболкин И. И. 2013., Čepelak I. Et. Al. 2019), шу қаторида филаггрин гени ҳам касаллик ривожланишида асосий урин тутади.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида болаларда атопик дерматитнинг кўпинча эритематоз-сквамоз (29,3%), лихеноид (25,6%), камроқ - экссудатив (15,8%) ва пруригиноз (7,4%) шакллари аниқланади. SCORAD индекси бўйича чакалоқларда касалликнинг енгил ва ўрта оғир даражалари устунлик қилади, болаларда асосан ўрта оғир, ўсмирларда эса касалликнинг ўрта ва оғир шакллари кўпроқ учрайди (Мавлянова Ш. З. ва бошқ. 2022.). Бундан ташқари атопик дерматит кечишига нафас аъзолари ва ошқозон-ичак трактининг яллиғланиш касалликлари сезиларли таъсир кўрсатади (Хаитов К.Н.ва бошқ. 2020). Candida albicans атопик дерматит билан оғриган беморларнинг аксариятида муҳим аллерген бўлиб хизмат қилиши, ушбу

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

замбуруғларнинг овқат ҳазм қилиш трактига колонизацияси организмнинг сенсibiliзациясини кучайтириши ва касалликнинг кечишини оғирлаштириши исботланган (Мавлянова Ш. З. Ва бошқ. 2017.).

Атопик дерматит ҳамда сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопиялар патогенезини излаб топишда сезиларли ютуқларга эришганлигига қарамай, диагностика, прогноз ва терапия самарадорлигини баҳолаш қийин вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу механизмларни чуқурроқ ўрганиш келажакда шахсийлаштирилган даволаш усуллари, жумладан, эпигенетик модуляторлардан фойдаланиш имкониятини очиб беради. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, бизнинг давлатимизда сурункали обструктив бронхитга ҳамроҳ касаллик атопик дерматитнинг морфологик ўзгаришлари, уларни хусусиятлари ва ушбу касалликларда FLG гени мутациялари чуқур ўрганилмаганлиги муаммонинг долзарблигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш" мавзуси доирасида олиб борилди (2024–2028 йй.).

**Тадқиқот мақсади** сурункали обструктив бронхит қўшимча атопик дерматит билан касалланган болаларда FLG ген полиморфизмининг клиник ва морфологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

сурункали обструктив бронхит қўшимча атопик дерматит билан касалланган бемор болаларнинг клиник кўринишлари ва терисининг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

болаларда сурункали обструктив бронхит қўшимча атопик дерматитнинг ривожланишида филагрин ген полиморфизмининг ўрнини баҳолаш;

сурункали обструктив бронхитга қўшимча турли оғирликда кечадиган атопик дерматит билан касалланган болаларда FLG генининг 2282DEL4 ва R501X мутациялар аҳамиятини аниқлаш;

болаларда сурункали обструктив бронхит қўшимча атопик дерматитни дифференциал диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 218 нафар беморларни стационар тиббий картаси ва морфологик текширув учун 28 нафар бемордан биопсион материали олинди.

**Тадқиқотнинг предмети:** атопик дерматитга чалинган бемор болалар терисидан олинган биопсия намуналари ва FLG генининг 2282DEL4 ва R501X мутацияларини аниқлаш учун болалар веноз қон намуналари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда Сурункали обструктив бронхитга қўшимча атопик дерматит билан касалланган беморлар терисининг морфологик хусусиятларини баҳолашда морфологик, морфометрик усуллари ва FLG генининг 2282DEL4 ва R501X мутацияларини аниқлаш учун молекуляр – генетик текшириш усуллари ҳамда статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисида хужайравий гиперплазия, ядро-цитоплазматик нисбати ошиши, цитоплазма периметри, ядро майдони ҳамда зичлигининг

морфометрик жиҳатдан ошганлиги, эпидермисдаги морфофункционал қайта қурилиш механизмларининг яллиғланиш ва дистрофик жараёнларга жавобан кучайиш ҳисобига хужайра фаоллиги ва пролиферациясининг ортганлиги аниқланган;

атопик дерматитда FLG гени 2282del4 мутацияси гомозигота генотиби касалликнинг оғир клиник шакллари ривожланишига олиб келиш эҳтимоли кўрсатилди, бу эса генетик таҳлилларни атопик дерматитни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапия усуллари танлашда клиник амалиётда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

касалликнинг эритематоз-сквамоз шаклида FLG генининг гетерозиготли 2282del4 (N/DEL) мутацияси атопик дерматит гуруҳидаги болаларга нисбатан, сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматит гуруҳида энг юқори частотага эга, гомозиготли 2282del4 (DEL/DEL) генотиби мутацияси эса фақат атопик дерматит билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланган;

тадқиқотда FLG p.R501X мутацияси фақат атопик дерматитнинг турли клиник шакллари бўлган болалар орасида ва сурункали обструктив бронхит билан биргаликда кечадиган атопик дерматит гетерозигот шаклида (R/X) топилган, гомозиготли ташувчилар (X/X) барча тадқиқот гуруҳларида, шу жумладан назорат гуруҳида топилмаганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Биопсия натижадари асосида атопик дерматитга учраган беморларни териси морфологик хусусиятларининг муҳим мезонлари аниқланди.

Атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхитга қўшимча атопик дерматит билан оғриган болаларда тери морфологиясидаги ўзгаришларнинг ўрганилиши касалликни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва муолажа тактикасини белгилашда аҳамиятлидир. Атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхит билан қўшимча учрайдиган атопик дерматит билан оғриган болалар териси эпидермисдаги хужайравий ўзгаришлар гистологик жиҳатдан фарқлаш имконини беради. FLG генининг 2282del4 ва R501X мутацияларини аниқлаш орқали генетик мойилликни эрта белгилаш ва индивидуал профилактика чораларини кўриш мумкин. Мутация ташувчиларда аллергенларга сезувчанликнинг ортиши махсус назорат ва парваришни талаб этади. Олинган натижалар шахсийлаштирилган терапия моделларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Теридаги яллиғланишни мунтазам мониторинг қилиш ва ўз вақтида даволаш жиддий асоратларни ривожланишига тўсқинлик қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда назарий ёндашувлар ва усулларни қўллаш, тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалнинг мос равишда танланиши, фойдаланилаётган усулларнинг замонавийлиги билан тасдиқланган ёруғлик микроскопи, морфометрик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти** Сурункали обструктив бронхитга қўшимча атопик дерматит билан касалланган беморлар терисининг морфологик хусусиятларини баҳолашда морфологик, морфометрик усуллардан ҳамда ва FLG генининг 2282DEL4 ва R501X мутацияларининг функционал механизмларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** сурункали обструктив бронхитга қўшимча атопик дерматит билан касалланган беморлар терисининг морфологик хусусиятлари ҳамда молекуляр - генетик жиҳатлари ўрганилди.



Морфология ва дерматология соҳасидаги янги маълумотлар билан сезиларли даражада тўлдирилиб, беморларда атопик дерматитнинг келиб чиқиш механизмларини башорат қилишда, диагностиканинг янги усулларини ишлаб чиқишда ва шахсийлаштирилган даволаш чораларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Олинган натижалар сурункали обструктив бронхит билан қўшимча атопик дерматик ва нафас аъзолари касалликларисиз ривожланадиган атопик дерматитда, унинг ривожланиш механизмини ташхислаш ва оғирлик даражасини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин. Олинган маълумотлар асосида морфологлар ва дерматологлар учун атопик дерматитнинг кечишини баҳолашни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисидаги морфологик ўзгаришларнинг морфологик, замонавий гистокимёвий, лаборатория тадқиқотларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда беморлар веноз қонида FLG гени 2282del4 ва p.R501X мутацияси натижасида олинган илмий натижаларга асосланиб:

*биринчи илмий янгилик:* сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисида хужайравий гиперплазия, ядро-цитоплазматик нисбати ошиши, цитоплазма периметри, ядро майдони ҳамда зичлигининг морфометрик жиҳатдан ошганлиги, эпидермисидаги морфофункционал қайта қурилиш механизмларининг яллиғланиш ва дистрофик жараёнларга жавобан кучайиш ҳисобига хужайра фаоллиги ва пролиферациясининг ортганлиги аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Қайталама рецидивланувчи обструктив бронхит муҳитида атопик дерматитли болалар тери қопламасини морфологик хусусиятларини ўрганиш усуллари” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур тавсиянома Самарканд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26 февралдаги 7-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси 03 апрел 2025 йилдаги № 19-Sh-сон, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиалининг 29 март 2025 йилдаги 45-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 10.06.2025 даги 19-йиғилиш баённомасига асосан 19/62-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисида хужайравий гиперплазия, ядро-цитоплазматик нисбати ошиши, цитоплазма периметри, ядро майдони ҳамда зичлигининг морфометрик жиҳатдан ошгани илк бор қайд этилиб, бу эпидермисидаги морфофункционал қайта қурилиш механизмларининг яллиғланиш ва дистрофик жараёнларга жавобан хужайра фаоллиги ва пролиферациясининг ортганлиги аниқланган ўрни ва аҳамияти орқали касалликни ташхислаш ҳамда дерматолог шифокорларга самарали даволаш тактикасини танлаш имкони берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисида хужайравий гиперплазия, ядро-цитоплазматик нисбати ошиши, цитоплазма периметри, ядро майдони ҳамда зичлигининг морфометрик жиҳатдан ошгани илк бор қайд этилиб, бу эпидермисидаги морфофункционал қайта қурилиш механизмларининг яллиғланиш ва дистрофик жараёнларга жавобан хужайра фаоллиги ва пролиферациясининг ортганлиги аниқланганлигини кўрсатиб, 400000 сўм бюджетдан ташқари

харажатларни тежаш мумкин; *Хулоса:* Атопик дерматит ва сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматитда болалар териси эпидермисида хужайравий гиперплазия, ядро-цитоплазматик нисбати ошиши, цитоплазма периметри, ядро майдони ҳамда зичлигининг морфометрик жиҳатдан ошгани илк бор қайд этилиб, бу эпидермисдаги морфофункционал қайта қурилиш механизмларининг яллиғланиш ва дистрофик жараёнларга жавобан хужайра фаоллиги ва пролиферациясининг ортганлиги аниқланган ва механизмлар ҳолатни прогнозлаш ва диагностика қилиш харажатларини қисқартириш ҳисобига 1 та ташхис туфайли шифохонанинг бюджетдан ташқари маблағларини 400000 сўмга тежаш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* атопик дерматитда FLG гени 2282del4 мутацияси гомозигота генотиби касалликнинг оғир клиник шакллари ривожланишига олиб келиш эҳтимоли кўрсатилди, бу эса генетик таҳлилларни атопик дерматитни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапия усулларини танлашда клиник амалиётда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

*Ижтимоий самарадорлиги:* атопик дерматитда FLG гени 2282del4 мутацияси гомозигота генотиби касалликнинг оғир клиник шакллари ривожланишига олиб келиши эҳтимолини кўрсатади, бу эса генетик таҳлилларни атопик дерматитни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапия усулларини танлашда клиник амалиётда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган, эрта ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган.

*Иқтисодий самарадорлиги:* атопик дерматитда FLG гени 2282del4 мутацияси гомозигота генотиби касалликнинг оғир клиник шакллари ривожланишига олиб келиши эҳтимолини кўрсатади, бу эса генетик таҳлилларни атопик дерматитни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапия усулларини танлашда клиник амалиётда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган, бу 1275000 сўмни тежаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

*Хулоса:* атопик дерматитда FLG гени 2282del4 мутацияси гомозигота генотиби касалликнинг оғир клиник шакллари ривожланишига олиб келиши эҳтимолини кўрсатади, бу эса генетик таҳлилларни атопик дерматитни эрта аниқлаш, оғирлик даражасини баҳолаш ва шахсийлаштирилган терапия усулларини танлашда клиник амалиётда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган, касалхона бюджетидан 1 та шхис учун 1275000 сўм қўшимча маблағни тежаш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* касалликнинг эритематоз-сквамоз шаклида FLG генининг гетерозиготли 2282del4 (N/DEL) мутацияси атопик дерматит гуруҳидаги болаларга нисбатан, сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматит гуруҳида энг юқори частотага эга, гомозиготли 2282del4 (DEL/DEL) генотиби мутацияси эса фақат атопик дерматит билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланган.

*Ижтимоий самарадорлиги:* илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Касалликнинг эритематоз-сквамоз шаклида FLG генининг гетерозиготли 2282del4 (N/DEL) мутацияси атопик дерматит гуруҳидаги болаларга нисбатан, сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматит гуруҳида энг юқори частотаси эга, гомозиготли 2282del4 (DEL/DEL) генотиби мутацияси эса фақат атопик дерматит билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланиши ва беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсири баҳоланади.

*Иқтисодий самарадорлиги:* касалликнинг эритематоз-сквамоз шаклида FLG генининг гетерозиготли 2282del4 (N/DEL) мутацияси атопик дерматит гуруҳидаги болаларга нисбатан, сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик

дерматит гуруҳида энг юқори частотаси эга, гомозиготли 2282del4 (DEL/DEL) генотиби мутацияси эса фақат атопик дерматит билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланганидан далолат беради, бу бюджетдан ташқари 1 275 000 сўмни тежаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Хулоса:* Касалликнинг эритематоз-сквамоз шаклида FLG генининг гетерозиготли 2282del4 (N/DEL) мутацияси атопик дерматит гуруҳидаги болаларга нисбатан, сурункали обструктив бронхит билан бирга кечадиган атопик дерматит гуруҳида энг юқори частотаси эга, гомозиготли 2282del4 (DEL/DEL) генотиби мутацияси эса фақат атопик дерматит билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланганлиги 1 та ташхис учун бюджетдан ташқари маблағнинг 1275000 сўмни тежаш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* тадқиқотда FLG p.R501X мутацияси фақат атопик дерматитнинг турли клиник шакллари бўлган болалар орасида ва сурункали обструктив бронхит билан биргаликда кечадиган атопик дерматит гетерозигот шаклида (R/X) топилган, гомозиготли ташувчилар (X/X) барча тадқиқот гуруҳларида, шу жумладан назорат гуруҳида топилмаганлиги аниқланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқотда FLG p.R501X мутацияси фақат атопик дерматитнинг турли клиник шакллари бўлган болалар орасида ва сурункали обструктив бронхит билан биргаликда кечадиган атопик дерматит гетерозигот шаклида (R/X) топилган, гомозиготли ташувчилар (X/X) барча тадқиқот гуруҳларида, шу жумладан назорат гуруҳида топилмаганлиги аниқланганини исботланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотда FLG p.R501X мутацияси фақат атопик дерматитнинг турли клиник шакллари бўлган болалар орасида ва сурункали обструктив бронхит билан биргаликда кечадиган атопик дерматит гетерозигот шаклида (R/X) топилган, гомозиготли ташувчилар (X/X) барча тадқиқот гуруҳларида, шу жумладан назорат гуруҳида топилмаганлиги аниқланганини исботлайди. *Хулоса:* тадқиқотда FLG p.R501X мутацияси фақат атопик дерматитнинг турли клиник шакллари бўлган болалар орасида ва сурункали обструктив бронхит билан биргаликда кечадиган атопик дерматит гетерозигот шаклида (R/X) топилган, гомозиготли ташувчилар (X/X) барча тадқиқот гуруҳларида, шу жумладан назорат гуруҳида топилмаганлиги исботлайди ва 1 та ташхис учун маблағлар 1275000 сўмни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган ва 1 ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали обструктив бронхит билан қўшимча атопик дерматитнинг этиопатогенези, клинко ва морфологик кўринишлари замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида атопик дерматит (АД) ва сурункали обструктив бронхит (СОБ) билан бирга кечадиган АД ҳақида замонавий адабиёт шарҳи келтирилган бўлиб, учраш даражаси, этиологик омиллари, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари, ушбу патологияларда кузатиладиган ўзгаришларни структуравий компонентлари, морфофункционал ва клинко-морфологик хусусиятлари тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган. Ишда келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимланган ва таҳлил қилинган. Кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар кўриб чиқилган ва адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу ҳолат бўйича ҳал қилинмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг **“Клинк гуруҳлар ва ўрганиш методикаси”** номли иккинчи бобда ўрганилган клинко ва биопсион материаллар ҳамда тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг патологик анатомия ва тери-таносил кафедраларида олиб борилган. Тадқиқотда СОБ қўшимча АД ҳамда АД билан касалланган беморлар терисининг морфологик хусусиятларини баҳолашда ретроспектив, морфологик, морфометрик ва генетик тадқиқотлар 218 та бемор ва соғлом болаларда олиб борилди. Шундан ретроспектив 106, морфологик ва морфометрик 28 та бемор ва FLG генининг 2282DEL4 ва R501X мутацияларини аниқлаш учун 200 та беморлар маълумотлари таҳлили келтирилган (1-расм.).



**1-расм. Беморларни текширув гуруҳларига тақсимланиши**

Тадқиқотимиз 1 асосий гуруҳда "Сурункали обструктив бронхит" (СОБ) ташхиси (ХКТ-10 бўйича J44), кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенологик текшируви билан тасдиқланган ҳолдаги беморлар маълумотлари олинди. Беморлар Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази пульмонология ва аллергология бўлимида ётиб даволанганларни ташкил этди. Бу беморлар 106 та бўлиб, 0-7 ёшни ташкил этди. Улардан 70 (66.4%) -тасини ўғил болалар ва 36 (33.96%) -тасини қизлар ташкил қилди.

2 – кузатув гуруҳдаги беморларни Самарқанд вилоятидаги 2024-йилда дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида даволанганлар ташкил этди. Унда “Атопик дерматит” ташхиси тасдиқланган беморлар маълумотлари олинди. Умумий беморлар сони- 94 та. Қатнашганлар: 0 ёшдан 7 ёшгача бўлган ўғил болалар - 54 (57.45%) ва қиз болалар - 40 (42.55%) бўлиб, уларнинг ота-оналаридан ихтиёрий равишда розилик олинди. АД ташхиси ХКТ-10 бўйича L 20 коди билан қўйилди.

АД ни ўрганиш учун беморлар Hanifin J. M. (1980) ташхис мезонлари асосида киритиш ва чиқариш мезонлари бўйича киритилди. Назорат гуруҳига 18-та соғлом болалар киритилди. Улардан 9-та ўғил бола (50,0%) ва 9 та қиз болаларни (50,0%) ташкил этди.

АД клинико-морфологик шакли бўйича таҳлил ўтказганимизда эритематоз-сквамоз шакли (ЭСШ) 67.0%, экссудатив шакли (ЭШ) 18.1%, эритематоз-сквамоз лихенизация билан шакли (ЭСЛШ) 14.9% ҳолларда учради.

АДнинг оғирлик даражаси SCORAD (scoring of atopic dermatitis - АДнинг шкаласи) тизими ёрдамида баҳоланди. Шундан: 40 баллгача – енгил даражаси - 22 %, 40–60 балл – ўртача оғир даражаси - 36 %, 60 баллдан юқори – оғир даража - 42 %ни ташкил этди.

Морфологик тадқиқотлар тери тузилишидаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида болалар териси намуналари ёпишқоқ тасма ва тангенциаль усул билан биоптатлар олинди.

Умумгистологик бўйаш усулларида СОБ қўшимча АД касаллиги ва АДда теридаги тузилмавий ўзгаришларни аниқлаш учун гематоксилин ва эозин билан бўйаш (ГЭ) орқали терининг умумий тузилиши баҳоланди ҳамда Ван-Гизон бўйаш усули (ВГ) бўйича терининг бириктирувчи тўқима, хусусан коллаген толалар ва мушак толалари ҳолатини ўрганиш учун қўлланилди.

Статистик жиҳатдан ишончли натижалар олиш учун тери эпидермиси морфометрик таҳлили ўтказилди, бу учун бир неча кўриш майдонларида камида 20 та объект таҳлил қилинди.

FLG ген мутациясининг молекуляр - генетик тадқиқот усуллари олиб борилди. FLG генининг R501X ва 2282del4 мутациялари ўрганилди. Веноз қон биоматериал сифатида ишлатилган, у ЭДТА қўшилган найчаларда тўпланиб (2 мл веноз қон 200 мл антикоагулянт), ДНК изоляцияси Литек (Россия Федерацияси) томонидан ишлаб чиқарилган ДНК-Экспресс-қон реагентларининг тижорат тўплами ёрдамида амалга оширилди. Беморларнинг ДНКси сифати ва миқдорини баҳолаш учун ПЗР реакциясида амалга оширилди ва натижаларнинг статистик таҳлили ўтказилди.

**Диссертациянинг “Сурункали обструктив бронхит қўшимча атопик дерматит ҳамда атопик дерматит билан касалланган бемор болаларнинг клиник тавсифи ва тери эпидермиси морфологик хусусиятлари” номли учинчи боби СОБ қўшимча АД ҳамда АД билан касалланган болаларнинг ретроспектив ва клиник - лаборатор текшириш натижалари таҳлили ва терисининг морфофункционал ҳолатига бағишланган.**

Бизнинг тадқиқотимизда АД ташхисини қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 ноябрдаги 273-сонли буйруғига 6-иловага мувофиқ стандарт клиник ва лаборатор усуллар қўлланилди. Ретроспектив тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, Самарқанд вилоятидаги дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида даволанган беморларнинг умумий сонидан

“Атопик дерматит” билан касалланганлар 2022 йилда 3,11 % ни, 2023 йилда 4,89 % ҳамда 2024 йилда 3,09 %ни ташкил этди. Шулардан 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этиб, 2022 йилдаги умумий “Атопик дерматит” билан касалланганларнинг 838 тасини, 2023 йилда 1211 тани ва 2024 йилда 1174 тани ташкил этди.

Бизнинг тадқиқотимизда 2024 йилда “Атопик дерматит” ташхиси билан мурожаат қилган беморлар орасида 2017–2024 йиллар оралиғида туғилганлар (0-7 ёшлилар) 88,3% ни ташкил этди. Шундан, 1 ёшгача бўлган болалар орасида АД билан касалланганлар ичида ўғил болалар 63,5%, қизлар эса 36,5% ни ташкил этди. Умумий касалланганлар орасида энг юқори касалланиш даражаси Тайлоқ туманида 24,3%, энг кам Нарпай туманида – 1,4 % учраши қайд этилди.


Тадқиқотимиздаги кузатув гуруҳлари беморларига клинико-лаборатор таҳлиллар олиб борилди ва кузатув давомида беморлар қони таркибидаги IgE даражасининг ошиши кузатилди. СОБ қўшимча АД гуруҳидаги қиз болачаларда IgE даражаси ўртача қиймати қиз болаларга нисбатан ўғил болаларда 1,08 марта камлигини кўрсатади. АД гуруҳидаги қиз болаларда нисбатан ўғил болаларда 0,82 марта кўплиги аниқланди.

Бундан ташқари АД касаллигига чалинган бемор болаларнинг қон таҳлиллари жинсга қараб фарқ қилганлиги тадқиқотимизда қайд этилди. 2 та гуруҳда ҳам ўғил болачаларда тромбоцитлар - 353,63 ( $10^9/л$ ), ва лимфоцитлар даражаси устунлигини 44,74 (%) кўрсатган булса, қиз болачаларда эса сегментланган нейтрофиллар 45,30 (%) - 46,07 (%) устунлигини кўрсатди.


Биокимёвий таҳлил натижаларига кўра, ўғил болаларда ALT (22,83 U/L) ва ASAT (32,27 U/L) даражалари қиз болаларга нисбатан ALT (19,98 U/L), ASAT (30,98 U/L), юқори бўлса, ўғил болаларда ўртача холестерин даражаси (3,47 ммол/л) қизларга қараганда бир оз паст (3,59 ммол/л). Бу ўғил болаларда жигарнинг юқори метаболик фаоллигини кўрсатиши мумкин. Креатинин қизларда (36,48 ммол/л) ўғил болаларга нисбатан юқори (33,82 ммол/л). Умумий оксил, карбамид ва глюкоза даражаларида эса жинсий фарқ йўқлиги аниқланди. Бундай ўзгаришлар жигар ферментлари ёки гемоглобин метаболизмидаги фарқлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ўғил болаларда умумий IgE нинг ўртача даражаси қизларга қараганда юқори, бу индивидуал иммунологик хусусиятларни ёки аллергенларга сезувчанликдаги фарқларни кўрсатиши мумкин.

Болалардаги АД ва СОБ қўшимча АД бор бемор болалар терисининг морфофункционал ҳолати (34 нафар) тери намуналарида морфологик усуллар орқали ўрганилди. Бунда кузатувдаги бемор болалар териси эпидермиси макроскопик жигарранг-сарик рангга эга бўлиб, унинг структуравий яхлитлиги бузилмаганлиги қайд этилди. Микроскопик эпидермисда акантоз, тиканаксимон қаватда ҳужайралараро модданинг тўпланиши ва базал қават ҳужайраларининг ўчоқли вакуол дистрофияси кузатилди. Донадор қават инвагинацияси билан бирга фокал паракератоз, гиперкератоз, шунингдек, некроз ўчоқлари аниқланди. Тиканаксимон қават ҳужайраларида ҳужайралараро шишиши, ортогиперкератози ҳамда гидропик дистрофиясини кўрсатди (2-расм). Эпидермиснинг ялтироқ қавати ёстиксимон эозинофилли киритмалар билан тавсифланиб, АДда улар пролиферацияга учраганлиги кузатилди. Дифференцияланган кератиноцитлар камдан-кам ҳолларда аниқланиб, мугуз қават ҳужайраларининг бузилиши натижасида ҳужайра барқарорлиги пасайганлиги аниқланади (3-расм). Бундай ўзгаришлар АДнинг асосан ЭСШ ва ЭШларида кўпроқ намоён бўлди.






2-расм. СОБ қўшимча АД билан касалланган бемор, АД ЭСШ. 3 ёш 5 ойли бемор терисининг КҚЯМЭнинг гиперкератози ва кипикланиши. 1- базалиоцитлар гипеихромияси ва пролиферацияси., 2- тиканакли қават хужайралари гидропик дистрофияси., 3- мугуз қават хужайралари некрози ва 4- кучли гиперкератози. ГЭ. Кат.Х200.




3-расм. АД ЭШ. 2 ёш 5 ойли бемор териси эпидермиси кучли деструктив ўзгаришлари. 1- КҚЯМЭ десквамацияси., 2- КҚЯМЭ донадор, ялтироқ ва мугуз қаватлари гиперкератози. ГЭ. Кат.Х200.

Дерма шаклланмаган бириктирувчи тўқимаси толаланган, шишинган ва унда тўқима суюқлиги тўпланиши аниқланган. Бизнинг кузатувларимизда бу қаватда лимфоцитлар, гистиоцитлар, эозинофиллар ва семиз хужайралар инфильтрацияси қайд этилади. Капиллярларда гемостаз уларнинг эндотелиал хужайралари гипертрофияга учраганлиги кузатилди. Дерманинг сўрғичли ва тўрсимон қаватлари малина рангда эканлиги, бириктирувчи тўқима коллаген толалари мукоид ва фибриноид бўкиши ва фуксинофилияси кўриниб, Ван-Гизон усули бўйича бўялганда метахромазияси мавжудлиги қайд этилди (4, 5-расм).




4-расм. АД ЭСШ. 2 ёш 4 ойли бемор териси дерма ортиқлари. 1- Дерма тер ва ёғ безлари (2) стромаси пикринофилияси. 3- дерма бириктирувчи тўқима толалари шишиши ва толаланиши. ВГ. Кат.Х200.




5-расм. АД ЭСШ. 2 ёш 4 ойли бемор териси дерма қавати коллаген толалар фибриноид бўкиши. 1- КҚЯМЭ мугуз қавати пикринофилияси., 2- дерма бириктирувчи тўқима коллаген толалари фибриноид бўкиши ва фуксинофилияси. ВГ. Кат.Х200.

Тадқиқотимизнинг морфометрик текшириш усулига эпидермис қаватларининг қалинлигини ўлчаш, унинг алоҳида қаватларини таҳлил қилиш ва тасвирий статистикани ўз ичига олди (6,7-расм). Морфометрик маълумотлар шуни исботладикки, АД билан оғриган беморларда эпидермиснинг умумий қалинлиги назоратга нисбатан 3,11 барабар, СОБ қўшимча АД билан касалланган беморлар гуруҳида эса 6,68 барабар ошган ( $p = 0,0013$ ).




6-расм. СОБ қўшимча АД билан оғриган бемор. АДнинг ЭСШ. 2 ёш 5 ойли бемор териси эпидермис қаватлари қалинлиги. Гистоморфометрик таҳлиллар Olympus микроскопига уланган сканер ёрдамида, NDP.VIEW2.0, QuPath.0.4.0.url дастурлари орқали амалга оширилди.



7-расм. АД ЭСШ. 3 ёш 4 ойли бемор териси эпидермис қаватлари қалинлиги. Гистоморфометрик таҳлиллар Olympus микроскопига уланган сканер ёрдамида, NDP.VIEW2.0, QuPath.0.4.0.url дастурлари орқали амалга оширилди.

Энг яққол ўзгаришлар тиканаксимон қаватда (ўсиш 4,88 марта,  $p = 0.0051$ ) ва ялтироқ қаватларда (ўсиш 3,38 марта,  $p = 0.021$ ) қайд этилди. Бу қаватлардаги ҳужайраларнинг зичлиги сезиларли даражада ошган. Базал ва донатор қаватларда қалинлашиш қайд этилган бўлсада, аммо фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлди ( $p > 0.05$ ).

Ядро кўрсаткичларини таҳлили ядро зичлиги ва ядро/цитоплазма нисбатининг ошиши аниқланди, айниқса СОБ қўшимча АД гуруҳида (3,08 марта ўсиш,  $p = 0.0037$ ), бу ҳужайра фаоллиги ва яллиғланишнинг кучайишини акс эттиради. Корреляцион таҳлил ( $\rho 0.966$  гача) эпидермис қаватлари қалинлиги ва ҳужайралар сони ўртасида кучли ижобий боғлиқликни кўрсатди (8-расм).



8-расм. Ҳужайра ва ядронинг морфометрик параметрлари қийматларининг тақсимланиши

Шундай қилиб, яққол кўрсаткичлар СОБ қўшимча АД билан бирга касалланганда қайд этилган, бу эса эпидермиснинг янада интенсив яллиғланиш



